

ИРОДА УМАРОВА

БАҲОР ВИСОЛИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

84(57)6-5 Ўзб. 2420
2021214

Бу китобча ёш қаламкаш Ирода Умарованинг илк тўплами. Ёш ижодкор ўз қалби ила ҳис этган дил кечинмаларини, изтиробларини шеърга солади.

Қалбига дарг юклаган ҳаваскор қизнинг бу шеърлари ўз мухлисларини топади, деган умиддамиз.

Ю 32417
021

ISBN 5-633-01930-x

© Ирода Умарова, «Баҳор висоли».

«Янги аср авлоди», 2006 йил

2006	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MI
------	----------------------------------------------

У УСТОЗДИР

Маърифатга ташна қалбларни
Илм нурила ёритувчи.

Маърифатдир унинг билгани,
У устоздир,
У — ўқитувчи.

Ёш дилларга чанг солаётган,
Нодонликнинг йўлин тўсувчи.
Юраклардан жой олаётган,
У устоздир,
У — ўқитувчи.

Жаҳолатдан ёпиқ кўзимиз,
Илм нури билан олувчи.
Уни эъзозлаймиз ўзимиз,
У устоздир,
У — ўқитувчи.

Яхшилиги биз учун табиий,
Барчамизни бирдек сезувчи,
Эъзозлаймиз сизни мураббий,
Сиз устозсиз,
Сиз — ўқитувчи.

МАКТАБ

Қучоғингда топдик биз камол,
Хур Ватаннинг ўғил-қизлари.
Билим олдик кўрмадик завод,
Биз Ватаннинг ёш юлдузлари.

Мактабжоним, билим маскани,
Ёш авлоднинг сўлим маскани.

Навоийдан ўргандик сабоқ,
Хоразмийдан ечдик мисоллар.
Ечимини топса бир жумбоқ,
Яшнаб кетди мурғак хаёллар.

Мактабжоним билим маскани,
Ёш авлоднинг сўлим маскани.

Мана энди катта боламиз,
Бизни кутар нурли келажак.
Сенда ўтган ҳар бир кунимиз,
Ёш дилларда мангу қолажак.

Мактабжоним билим маскани,
Ёш авлоднинг сўлим маскани.

• • •

Бу нурли офтобнинг жамоли,
Мен учун, сен учун яшнайти.
Оламнинг орзули хаёли,
Мени деб, сени деб яшайди.

«Бу дунё севинчи сизгадир!»
Биз учун севинчи бу шоир.
Қувончлар биз билан биргадир,
Шунинг-чун толелар бизга ёр!

«Ватан», деб аталмиш чаманда,
Ўйнаймиз, қувнаймиз, кел ўртоқ!
Ватан биздан бир иш кутганда,
Қадамнинг ташлагил илдамроқ!

НИҲОЛ

Айни эрта баҳор шекилли,
Ўтказгандим бир дона кўчат.
Ундан кейин анча пайтгача,
Бўлиб юрдим ишимдан хурсанд.

Бир йил ўтди, хонам ёнида,
Ниҳолгинам бўй чўзар аста.
Деразамдан силаб баргларин,
Гулин тақиб олдим оҳиста.

Қуёш ботиб, уфқ қизарганда,
Эсганида ёқимли шамол.
Деразамдан секин мўралаб,
Тебранади мен эккан ниҳол.

ФАСЛААР АЛМАШУВИ

Ҳар босган қадами гулга айланиб,
Оҳиста жилмайиб келар навбаҳор.
Кетар пайти ортга шайланиб,
Ёзга дейди: «Ўрнимга сен қол».

Минг турли мевалар фарқ пишган чоғда,
Шарқироқ сойликлар тортганда саёз.
Ёз ҳукмрон бўлар ҳар дала-боғда,
Дейди: «Мен кетаман, келақолгин, куз».

Хазонга айланар баргу япроқлар,
Қовжираб қолади майса-ю кўкат.
Куз изиллаб қишни сўроқлар:
«Баҳор келгунча сизники навбат».

Ҳар бир парчасини шамол изғитиб,
Ерга тушганида илк бор лайлакқор.
Қиш бобо кузга қўлин силкитиб,
Дейди: «Хайр, энди, яхши бор!»

ЎТИНЧ

Ҳаётнинг кемтиги, нуқсонлари кўп,
Дунёнинг яхшидан ёмонлари кўп,
Инсоннинг қалбида армонлари кўп,
Ҳақ-ноҳақ тухматдан худо асрасин.

Отабекни ташлаб кетган ширин туш-
Қора ер бағрида ухласа Кумуш,
Севги — Оллоҳ берган иноят эмиш,
Ошиқ-маъшуқларни худо асрасин.

Киндик қоним томган Ватан-онани,
Болалигим қолган қутлуғ хонани.
Мени болам, деган ота-онамни,
Жойнамоз устида дуо асрасин.

Дўсту сирдошларим бўлса бир жаҳон,
Юрагим кашф этса яна бир жаҳон,
Сирдош бир жаҳону, дўстим бир жаҳон,
«Дўстлик» деган сўзни дунё асрасин.

Кўнгилларнинг кўкида тўлин моҳимсан,
Ҳажрингда тортганим — ҳадсиз оҳимсан,
Қалбимнинг султони, қалбим шохисан,
Сени менинг учун Оллоҳ асрасин.

СИЗНИ АСРАСИН ҲАЁТ

Ҳар ҳовлига қиз-қизғалдоқ гул ярашгайдир,
Қарғиш эмас, дуоларга қўл ярашгайдир,
Бандасига бутунгина дил ярашгайдир,
Сиз деб урган юрагимни эзмасин ҳаёт.
Дада, сизни менинг учун асрасин ҳаёт.

Ким куйиниб тақдиримни ўйлар Сиздайин?
Гар адашсам тўғри йўлга йўллар Сиздайин?
Жойнамозда дуо билан қўллар Сиздайин?
Кўкни қучган қанотимни кесмасин ҳаёт,
Дада, сизни менинг учун асрасин ҳаёт.

Эҳе, шунча кўп синадинг мени, Худойим?
Дард бердинг-ку, энди даво қани, Худойим?
Ёруғ кунга етказди ҳали Худойим...
Шу кунларга етар йўлни тўсмасин ҳаёт,
Дада, сизни менинг учун асрасин ҳаёт.

Бу ҳаётта бовбони бор бор ярашгайдир,
Отанг-онанг билан ўтган чоғ ярашгайдир,
Аёлларга бир ишончли тоғ ярашгайдир,
Суянчимни, бахтимни кўп сезмасин ҳаёт,
Дада, сизни менинг учун асрасин ҳаёт.

ТИРИК ЕТИМ ҚИЛМАНГИ

Кимлардир бир умр зурриёдга зор.
Кимлардир фарзандин доғида куяр.
Кимлардир меҳрини этганча нисор,
Ўзгалар боласин «болам» деб суяр.

Мурувват, саҳоват илдиэ отган дил,
Қуёшли қалбларнинг борига шукур.
Бундай инсонларга минг бор сажда қил,
Мазлумлар номидан айтгин ташаккур.

Фарзандни жон дейми, атайми ҳаёт?
Атамоққа ҳаққим бордир инчинун.
Фарзанд келажакка элтувчи қанот.
Бу қанотни қирқар баъзилар нечун?

Арзимаган гапга қўзғалиб титроқ,
Парчаланар қанча обод хоналар.
Фарзанд — умр кўрки, бундан ортиқроқ
Нима керак сизга, ота-оналар?!

Шайтонга қўл бериб, битим қилгандан,
Моховларга ошно бўлган яхшироқ.
Фарзандни тириклай етим қилгандан,
Чиндан етим қилиб, ўлган яхшироқ.

Кимлардир зор бўлган, этмаган насиб,
Умр давомчиси шунча уволми?
Фарзандин бир бора бағрига босиб,
Аллалар айтмаган аёл-аёлми?

Била туриб уни этмангиз сағир.
Кейин кечирилмас бундай хатолар.
Сизни ким деб атай сўқир, тошбағир,
Гўдак қарғишига қолган оталар?!

Панд дея ўйламанг ушбу сўзларни,
Бу - виждон амридан бир қатра, холос.
Кексайганда тиргак қоракўзларни
Тирик етим қилманг, сиздан илтимос!

АЁЛИ БАХТЛИ ЭЛ

Йўли нурдан бўлсин, осмондан тахти,
Мудом янграб турсин, аёлнинг мадҳи.
Тўла-тўқис бўлсин ҳар бирин бахти
Аёли бахтли эл — энг бахтли эдир!

Бирининг ортидан бири босиб из,
Юракларга солиб ўтар ёрқин ҳис,
Аёл борки, анъана, удумлар азиз,
Аёли бахтли эл — энг бахтли эдир!

Йўлидан узилсин душман қўйган тўр,
Юзларида балқиб турсин кулги, нур.
Фарзандин роҳатин кўрсин бир умр,
Аёли бахтли эл — энг бахтли эдир!

БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Яшаш деган жумла бир томон
Бир томондир ишқ деган ташвиш.
Мен севгини танладим, тамом.
О, қандай бахт севиш-севилиш!..

Севги дилга ташриф қилди-ю,
Хаёлимни этди буткул банд.
Юракдаги безовта ғулу
Осмонларга етгудек баланд.

Битта менинг бошимда эмас,
Бу энг ширин ва энг аччиқ дард.
Ҳамма менинг шу ёшимда маст,
Шаробларинг сархуш, муҳаббат.

Сени энди танидим дунё,
Сен севгисиз менга керакмас.
Майли, тошдан бўлса ҳам аммо.
Муҳаббатсиз юрак - юракмас.

Мужассамлаб кўнгил зоримни.
Тилимда шу битта тиловат:
Севги, сенга бердим боримни,
Сен ҳам менга кўрсат саховат.

Умр оқиб ўтувчи ирмоқ.
Яшаш эса қадрингни билиш.
Бахт - севгилинг пойида ўлмоқ,
О, қандай бахт севиш-севилиш!..

Дунё бурчакларин кезиб кетдим мен,
Ўрнингни босувчи зотдан йўқ нишон.
Сохта дўстликлардан бешиб кетдим мен
То абад чин дўстлик биз билан, ишон!

ЎЛКАМ

Навбаҳоринг муборак бўлсин,
Гул-чечаклар барқ урган ўлкам.
Ҳур қучофинг кулгига тўлсин,
Шодликларга фарқ бўлган ўлкам.

Гўзал қанот қадирғочларинг,
Осмонингда ўйнар чархпалак.
Майса буғдой унган чорлари,
Қозонингда қайнар сумалак.

Гулбаҳоринг муборак бўлсин,
Гул-чечаклар барқ урган ўлкам.
Сенга чирой бахт этмоқ учун,
Қучофингда кезмоқда кўкчам.

НАВРЎЗ МУБОРАК

Ё насиб барчага баҳор висоли,
Боғда булбул гулга айтар дили роз.
Гўдак юзидаги кулгич мисоли –
Офтоб барчамизни этсин сарафроз.
Қиш қаҳрин аритган кундуз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

Ниҳоллар ухламай кўйлақлар тиккан,
Газлама-гулидир, астар-япроғи.
Дехқон қадамини қўмсаб энтиккан —
Шу азиз Ватаннинг азиз тупроғи.
Юракларга инган афрўз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

Ўримлар қатидан ёғиб ҳидоят,
Турналар осмонда арқон тўқийди.
Қалдирғоч тилида бир ажиб оят.
Яхшилар шаънига дуо ўқийди.
Дилларни ёритган дилсўз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

Хушбўй кафти билан ўтмоқда тараб
Шабада мажнунтол кокилларидан.
Бойчечак уйғонар кўзи мўлтираб,
Ҳисдай тошган ариқ соҳилларида.
Кулиб мўралаган ялпиз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

Ҳаммани ўзига этади асир,
Баҳорнинг бетакрор нашидалари.
Сумалак қозонга барака ташир,
Самонинг субҳгўй фаришталари.
Оллоҳ инъом этган ризқ-рўз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

Мингта Кўкиқофга этмасдан тортиқ.
Шу кунларга етган зўр бардошингиз.
Шу тоғлар тошидек бўлсин - ей қаттиқ,
Дўппи остидаги азиз бошингиз.
Қарғашойи атлас, зардўз муборак!
Янги кун муборак, Наврўз муборак!

СУМАЛАК

Сумалакнинг ўзи минг дардга даво,
Донғиси дунёнинг бурчига етган.
Етти донга тош бир кафт буғдойда
Уни бир ғамгузор она кашф этган.

«Ҳасан-Ҳусан» қандоқ яшаганин бил,
Бу сўзни илиб ол сен қулоғинга.
Кексалар не қилса, сен ҳам шундоқ қил,
Илк бора ялагин жимжилорингда.

ҚУТЛОВ

Юртимда очилди турфа гул-чечак,
Наврўзи оламдан тухфа гул-чечак.
Ҳам тилдан, ҳам дилдан тиладим тилак:
Наврўз нашидаси муборак, дўстлар.

Байраминг бахтимдан айланай, юртим,
Ўтирган тахтингдан айланай, юртим.
Эзгу тилакларим мен тилай, юртим:
Наврўз нашидаси муборак, дўстлар.


Гулдаста тутқазиб сизни қутладим,
Юракдан ўтказиб сизни қутладим.
Шеъримни битказиб сизни қутладим,
Наврўз нашидаси муборак, дўстлар.

ГУЛЧЕҲРАЛАР

Бугун қароқларда мафтункор жило.
Баҳор гулларидек гулгун чеҳралар.
Бугун наздингизда ўзгача дунё,
Байрамлар муборак, эй гулчеҳралар.

Кўзларни яшнатиб кийибсиз астлас,
Зарнигор дўппилар ҳуснингизга хол.
Атиргул ифори сиздан олиб маст,
Кунни ҳам куйдирган, қайдан бу жамол.

Шеърят кўкида тўлин ой бўлинг,
Ўзбекнинг бугунги Нодиралари.
Жасоратда мисли Барчиной бўлинг,
Момом Тўмариснинг набиралари.



Кутдим...

Келмадингиз...

Йирладим дилхун,

Хазонларга юзим босиб, ўксини-иб...

Ноламдан ороми тилкаланган тун

Бошимни силади маҳзун хўрсиниб...

Ҳар битта баргида минг сарғайиб жон,

Мана, қаршиладим хазонрўй кузни.

Юрагим япроғи шитирлар ҳамон:

Севаман азизим...

Севаман сизни!..

Руҳим чўққисидан қулаб тушди шаън,

Пасткаш ҳижронларга чўкиб қолдим тиз.

Бағри муз, тўнгиган осмон бўлдим ман,

Офтобим! Булутлар кўпми – келмайсиз...

Боримни ишқ деган сўзга алмашдим,

Юз ошиқни битта сизга алмашдим.

Мен ета олмаган кўклардасиз,

Сизни ҳам, ишқни ҳам... кузга алмашдим...

Дунёда ҳукмрон фақат сариқ ранг,

Куз йўлимга қоқар ғуссаларини.

Энди гул юзгамас.

Хазонга йўлланг

Севгининг тортинчоқ бўсаларини...

Кутдим...

Келмадингиз...

Йирладим дилгир.

Юлдузлар титради ҳолимдан огоҳ.

Нега кутаяпман сизни?

Барибир...

Осмонимга қайтиб келмайсиз-ку!..

О-оҳ...

* * *

Гуллар гунчаласа табассумимда,
Зум ўтмай андуҳлар тугар нишона.
Менинг ҳақиқатим йиғлар кўксимда,
Мен ёлғончи қизман...

Менга ишонма...

Бахт ҳақида айтгим келганида шеър,
Дардлар эговлайди дудуқ тилимни
Атиги бир чимдим севинч топиб бер:
Кафтларингга тўкиб қуйсам дилимни...

Армон-ёшлигимни ўлдирган қотил,
Ажабланма ортга назар солмасам.

Қилмаган айбимга жазоми, айтгил,
Ўзим ёзган шеърни айта олмасам?..

Қуёш кенг оламни этса-да ғорат,
Етолмас бир сиқим юрагим қадар,
Ҳатто тушимда ҳам бермас ҳаловат
Ойнинг ўроғида чопилган дардлар...

Ғамларим тошади тополмай ўзан,
Йиллар этагидан тўкилган доғ у.

Менинг юрагимга ўхшаб кетаркан
Даводан мосуво, ярадор оҳу...

Оларман Худодан матонат тилаб,
Мени яхши кўрган инсонлар ҳаққи.
Ҳатто онамга-да олмасам йиғлаб —
Ғанимлар кўзида бахтлиман балки...

Кулгичим тафтига исинар дунё,
Ичимда орзулар йиғлар пинҳона.

Менинг ботиниму-зоҳирим айро,
Мен ёлғончи қизман...

Менга ишонма...

СЕНИ ОСМОНИМГА ОЛИБ КЕТАМАН

М.Юсуф

Кемтик қисматимдан куйлайман, шоир...
Туғишган баҳорга, ўтайман шоир...
Борлигим ёнади исён ўтида,
Ёш жонимни қайга қўйгайман, шоир?..
Ёзгим келмаяпти умр-достоним,
Қаерларда экан менинг осмоним?..

Дардларим заминга сизмади бугун,
Кўнглим юксақларни илғади бугун.
Руҳим эркни қўмсаб йирлади бугун,
Мени олиб кетинг осмонингизга...
Доврудан сўйламанг ҳикоят менга
Учганимнинг ўзи иноят менга.
Оддий юлдуз бўлсам кифоят менга,
Мени олиб кетинг осмонингизга...

Ёдгор бўлиб ёлғиз қабрим қолади,
Тўрт мисра-ўн мисра шеърим қолади.
Қолса, мен сирмаган ерим қолади.
Мени олиб кетинг осмонингизга...

Қизғалдоқни йўлмас, дилга тўшасам
Не бўлар шоирим, сизга ўхшасам?
Осмонда яшайман, агар яшасам!
Мени олиб кетинг осмонингизга...

Давом этгим келмас умр-достоним
Қаерларда экан менинг осмоним?..

* * *

Елкамга нурлаган осмон тўкилар,
Янги ва оҳорли армон тўкилар.
Паришон сочимда сирганиб гоҳи,
Шамоллар пойимга қурбон тўкилар
Икки дил ўн йил-ки, ҳамон ўкинар -
Шунчалар каттадир ишқнинг гуноҳи...
Қорнинг зарралари кафтимни чақар,
Ҳасратлар дилимга чангини қоқар,
Кўзёши оқсин, деб, соғинчдай қайноқ
Изгирин юзимда аламга ёқар.
Бизни учраштириб қилибди бекор -
Оқланмаса керак ишқ қилган гуноҳ!..

ЁЛҲОНДАН ЯХШИСИ ЙЎҚ...

Йўлингиз гарди қўнган
Ҳув қорақош ялпизга
Ўшагим келаяпти,
Бор умидим синган...
Сиз бор учун дунёда,
Яшагим келаяпти

Ёш умрим уволи бор –
Севмайман, деб, ҳаётдан
Қўйманг мени совутиб.
Сўнг сўрайман такрор –
Битта аданг, азизим,
Кўнгилчамни овутиб.

БОҒИШАМОЛ

Муҳаббатга аталган умрим,
Соринчларга кетмоқда увол.
Дардларимни айтгим келдим,
Қучоғингни оч, боғишамол...

Ер кетганда гулга кўмилиб,
Кийинганда бодом напарман
Яшил уқа йўлга термулиб
Азизимни кутаман ҳамон...

Ташна бўлган юрак дастидан,
Ёнганида лоҳас саратон,
Шиғил-шиғил шохлар остида,
Ёлғизимни кутаман ҳамон...

Йиғлаганда фалак энтикиб,
Туллаганда гулдор хиёбон.
Булутлар маҳзун кўз тикиб
Юлдузимни кутаман ҳамон...

Қиш ёзганда заминга қорхат,
Уйғонади бултурги армон
Кимни десам-ёнимда фақат...
Сизни... сизни кутаман ҳамон...

...Бердим яна бағрингга ташриф.
Соринчларим тузгир телбаҳол.
Дардларимни кетай яшириб,
Қучоғингни оч, боғишамол.

* * *

Менинг муҳаббатим –
Ёввойи бир гул,
Пинҳон севгим билан ўтказар йиллар
Бориб айтай десам – кўнмайди кўнгил,
Фурур синиқлари товоним тилар.

Дудоғимга қўнган мажруҳ табассум
Ўзига ишонган қизники эмас.
Бир кунда... минг қалбни айладим афсун,
Битта...
Биттаси ҳам сизники эмас.

Сиздан аразлаган туйғуларим кўп,
Ҳаммаси бир тараф, ёлғиз шеър-бўлак.
Сизнинг кўксингизда...
Юрагингиз йўқ!
Юрак шаклидаги тош бор бир бўлак.

Кўзларим ёшидан гуллар сўрар май,
Бойчечак дардларим элтар шуурга
Оллоҳдан додимга етгин.
Айланай —
Тошни ҳам эритар оловтафт нурга.

Шунда...бу тош юрак титраб жонланар,
Мен сеҳр бўламан... Мен сир бўламан...
Юрагингиз, кимдир дея зорланар,
Шубҳасиз! –
Мен ўша «кимдир» бўламан!..

Кўзингизга тушган шодумон ҳайрат
Қалбимга дарёча севинч қучади
Сизга гулларидан тутган муҳаббат,
Менинг пешонамдан ўпиб қўяди...
Бизлар учрашамиз...

Юрагим, севгингни ёр олмаса тан,
Раббим дардгоҳига йиғлаб кетаман.
Армон кўчасидан ўтмаган беғам,
Кўнглиларни ёқиб, тиглаб кетаман.

МУНДАРИЖА

У устоздир	3
Мактаб	4
Ниҳол.....	6
Фасллар алмашуви	7
Ўтинч	8
Сизни асрасин ҳаёт	9
Тирик етим қилманг!	10
Аёли бахтли эл	11
Биринчи муҳаббат	12
Ўлкам	13
Наврӯз муборак	14
Сумалак	15
Қутлов	16
Гулчеҳралар	17
Сени осмонимга олиб кетаман	20
Ёлрондан яхшиси йўқ.....	22
Боғишамол	23

Адабий-бадиий нашр

ИРОДА УМАРОВА

БАҲОР ВИСОЛИ

Шеърлар

Мухаррир

З.ҲАСАНОВА

Бадиий муҳаррир

Б.БОЗОРОВ

Тех.муҳаррир

Е.ДЕМЧЕНКО

Мусахҳиҳ

З.АЗИЗОВА

Компютерда саҳифаловчи

Ф.БОТИРОВА

ИБ № 41128

Босишга 07.07.2006й.да ружсат этилди.

Бичими 70x84 1\32

Босма тобоғи 0,875. Шартли босма тобоғи 0.88.

Адади 300 нусха. Буюртма № 153

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа
марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8,

Қатортол кўчаси, 60.